Key words: *The Khiva Khanate, historiography, comparative analysis, Biruni, Abulgazi Bahadur Khan, Ogahi, Bayani, Shahid-ul-Ikbal, archival documents, diplomatic relations.*

Ж. Абдулхамидов

Еттишаҳар давлати тарихига оид манбалар ва уларнинг тавсифи

Қўқон хонлиги саркардаси, давлат арбоби Муҳаммад Ёқуббекнинг (1820–1877) ҳаёти ҳамда у Шарқий Туркистонда асос солган Еттишаҳар давлати (1865–1878) тарихига оид манбалар сони элликдан ортиқ ҳисобланади. Уларнинг аксарияти Ўзбекистон, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Тожикистон, Туркия ва Европа мамлакатлари кутубхоналарининг қўлёзмалар фондларида сақланади. Ушбу қўлёзмалар туркий ҳамда форсий тилда ёзилган. Еттишаҳар давлатининг сиёсий, маъмурий-бошқарув тизими, иқтисодий ва маданий ҳаёти билан боғлиқ маълумотларни тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Шу билан бирга, Қўқон хонлиги, Бухоро амирлиги ва Шарқий Туркистон тарихига оид манбалардаги Муҳаммад Ёқуббек ва Еттишаҳар давлати тарихига оид маълумотларни ўрганиш долзарб ҳисобланади.

Бу масала жаҳондаги кўпгина тадқиқотчилар томонидан хитой ва уйғур тилидаги манбалар, рус, хитой ва бошқа тиллардаги архив ҳужжатлари, матбуот саҳифалари асосида ўрганилган, бироқ улардаги маълумотлар бирёқлама ёритилган. М.Ф. Гавриловнинг ишларида Муҳаммад Ёқуббекнинг Қашқар тахтига чиқиши [7], қозоғистонлик уйғур олими Довуд Исиевнинг “Еттишаҳар уйғур давлати” номли китоби [11] архив ҳужжатлари, тарих фанлари доктори Аблат Ходжаев Хитойнинг Чинг империяси (1644–1911) билан Еттишаҳар давлати ўртасидаги сиёсий алоқалари тарихига мансуб хитой ва уйғур тилидаги манба ва адабиётлар [35], Еттишаҳар давлати тарихининг ички сиёсати Д. Тихонов ишларида уйғур манбалари [33] асосида яратилган. Г. Хидоятов тадқиқотида Марказий Осиёдаги рус-инглиз рақобати жараёнида Еттишаҳар давлатининг ўрни таҳлил қилинган [34]. “Хитойдаги “муқаддас жиҳод” деб номланган асар муаллифи Ким Ҳодонг Муҳаммад Ёқуббек ва унинг Еттишаҳар давлати тарихини

батафсил ўрганган бўлса-да, Туркистон хонликлари тарихига оид қўлёзмаларни етарлича тадқиқ этмагани кўзга ташланади [2]. Турк тарихчиси Серҳат Доганнинг “Шарқий Туркистонда сўнгги усмонли хони Яқубхон ва Қашқар хонлиги” номли китоби Туркия архив ҳужжатлари, бу давлатда истиқомат қилиб қолган шарқий туркистонликлар эсдаликлари асосида ёзилган [1]. Хитой Халқ Республикаси, Туркиядаги бошқа турли тадқиқотларда Еттишаҳар давлати тарихига оид маълумотлар, хусусан, Ёқуббек ҳаёти, фаолияти [37], унинг Шарқий Туркистонда давлат қуриш борасидаги ишлари [38] келтирилган.

XIX аср–XX аср бошларида яратилган Еттишаҳар давлатига оид асарларда Марказий Осиё минтақасининг шарқий ва ғарбий қисмлари ўртасидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлар доимо бир-бирига таъсир қилиб келганини кўриш мумкин. Ҳар икки ҳудудда яшаган маҳаллий аҳолининг тили, дини, урф-одатлари, маданияти жуда яқин ва ўхшаш, илдизлари чуқур боғлангани боис тарихий, адабий асарларининг мавзуси, мазмуни, услуби, ёзуви, ҳуснихати ва китобат санъатида ҳам уйғунлик яққол кўзга ташланади.

Еттишаҳар давлати тарихига оид манбалар қаторида XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида Шарқий Туркистон, Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигида ёзилган туркий, форсий тиллардаги қўлёзма асарларнинг алоҳида ўрни бор.

XIX асрнинг иккинчи ярмида яратилган Шарқий Туркистон тарихига оид манбалар Шарқий Туркистон ва Ўрта Осиё аҳолисининг Хитойнинг Чинг империяси сиёсатига қарши кўтарилган қўзғолонлари ҳақидаги маълумотлар билан бошланган. Булар қаторига Мулла Шокирнинг (1805–1870) “Зафарнома” [22], ғулжалик Мулло Билол Нозимийнинг (1832–1900) “Ғазот дар мулки Чин” (“Хитой давлатида “муқаддас уруш”) [17], Мулло Мусо Сайрамийнинг (1836–1917) “Тарихи аминия” (“Тинчлик ва омонлик тарихи”) [20] ва “Тарихи Ҳамидий” (“Шукроналик тарихи”) [19], Илёс Охунднинг “Ёқуббек Бадавлатнинг сўнгги хотиралари” [9], Саид Муҳаммад Қошийнинг (1820–1910) “Шарҳи шикаста” (“Ҳаста кўнгил шарҳи”) [6] каби асарларини киритиш мумкин. Уларда XIX аср ўрталарида Қўқон хонлиги ва Шарқий Туркистонда юз берган сиёсий-ижтимоий воқеалар, Қўқон саркардаси Муҳаммад Ёқуббекнинг Еттишаҳар

давлати ҳақида маълумотлар берилган. Бу манбаларни уйғур олими Аҳмаджон Торимий тадқиқ қилган [6].

Уйғур тарихчиси Мулло Шокирнинг “Зафарнома” асари 1864 йилда юз берган Кучор қўзғолони ҳақида бўлиб, 1866–1870 йиллар оралиғида Учтурфонда ёзилган. Манзума достон шаклидаги бу асар 3820 мисрадан иборат. Асар ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Асосий фондида (ЎзР ФА ШИ) № 12172 ашё рақами остида сақланади, ҳажми – 230 бет. “Зафарнома” мумтоз адабиёт анъанасига кўра, “ҳамд”, “наът”, Аллоҳга ва унинг пайғамбарларига мурожаат билан бошланган. Сўнг Кучор аҳолисининг Чинг империясига қарши қўзғолон кўтариши, ҳоким Аҳмад вонгнинг ўлдирилиши, Рашидиддиннинг (бухоролик Абу Ҳафс Кабир Бухорийнинг авлоди, Бухорода таҳсил олган) подшоҳ қилиб кўтарилиши, 1865 йилда Қўқон хонлиги саркардаси Муҳаммад Ёқуббекнинг Кучорга бостириб кириши ва мамлакатни бирлаштириш борасида қилган ишлари баён қилинган.

“Ғазот дар мулки Чин” асари муаллифи Мулло Билол Нозимий 1828 йилда Ғулжа шаҳрида туғилган. Шу ердаги Байтуллоҳ мадрасасида таълим олган, Ғулжадаги масжидлардан бирида имомлик қилган. 1864 йилда Чинг империясига қарши кўтарилган қўзғолонда иштирок этган. Мазкур асарда XIX асрнинг иккинчи ярмидаги Шарқий Туркистонда юз берган воқеа-ҳодисалар, хусусан, Ғулжа қўзғолони, унда иштирок этган фарғоналик савдогарлар ҳақида маълумотлар берилган. Асар ЎзР ФА ШИда № 9007 рақам остида сақланади. 1875 йилда ёзилган, 6000 мисрадан иборат.

Уйғур тарихчиси Мусо Сайрамийнинг “Тарихи аминия” ва “Тарихи Ҳамидий” асарлари пскентлик Муҳаммад Ёқуббекнинг Қўқон хонлиги ва Шарқий Туркистондаги ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги муҳим манбалардан ҳисобланади. Муаллиф Шарқий Туркистоннинг Сайрам қишлоғида туғилган бўлиб, Кучардаги мулла Усмон охунд мадрасасида ўқиган. Умрининг охирги йилларини Оқсувда ўтказган.

У 1864 йилдаги қўзғолонларда иштирок этган. 1867–1877 йиллар давомида Муҳаммад Ёқуббекнинг Оқсувдаги закотхонасида мирза лавозимида ишлаган. Кейинчалик, бутун Шарқий Туркистонни айланиб, асари учун маълумот тўплаган. “Тарихий аминия” асарини 1903 йилда ёзиб тугатган. Унинг тошбосма нашри Н. Пантусов

томонидан 1905 йилда Қозонда амалга оширилган [19]. 1908 йилда Мусо Сайрамий бу асарини қўшимча маълумотлар билан тўлдириб, “Тарихи Ҳамидий” деб номлаган. Асар 1986 йилда Пекинда уйғур тилида нашр қилинган [20].

“Тарихи аминия” асари дебоча, бир муқаддима, икки достон ва бир хотимадан иборат бўлиб, аксарият мусулмон тарихнавислиги анъаналарига кўра Одам ато, Нуҳ (а.с.), Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)га наът билан бошланиб, Чингизхон (1162–1227) ва Чиғатой (1183–1242) даврида Мўғилистон (ҳозирги Шарқий Туркистон), Ёркенд хонлиги (1514–1759), Чинг империясининг Шарқий Туркистондаги ҳукмронлиги ҳамда Муҳаммад Ёқуббекнинг Еттишаҳар давлати тарихи баён қилинган. Асар муаллифи бевосита ўзи кўрган-кечирганларини ёзиб қолдириш билан бирга, бу маълумотларга тегишли ҳужжатлар тўплаган ҳамда ҳар бир воқеа-ҳодисани қайта-қайта таҳлил қилган. “Тарихи аминия” асарида Ёркенд хонлиги (1514–1759) ворисларидан бири Жаҳонгирхўжанинг Шарқий Туркистонда Чинг империясига қарши қўзғолон кўтариши ва унинг илтимоси билан Қўқон хони Муҳаммад Алихоннинг (1822–1842) Қашқарга юриши, Қўқон хонлиги ва Хитой ўртасидаги ўзаро муносабатлар ёритилган [19].

Асарда қайд этилишича, 1865 йилда Россия империяси қўшинлари томонидан Тошкент босиб олингач, тошкентлик ва қўқонлик саркардалар Ҳамдам ботурбоши, Туробхўжа ясавул, Абдуллоҳ пансод, Ғозибек пансод, Муҳаммадқули шиғовул, Хўжа калон худойчи, Исроилхонтўра, Умаркул баҳодир, Боқибек додҳо ва жами етти мингдан ортиқ киши Қашқарга ўтиб кетган. Муҳаммад Ёқуббек Қўқон хонлиги устахоналаридан моҳир усталарни Шарқий Туркистонга олиб бориб, Қўқон хонлари Маллахон (1858–1862) ва Саййид Султонлар (1863–1865) номидан тилла танга чиқарган [18]. Қўқон ва Бухородаги машҳур уста-меъмор ва наққошларни ҳам олдириб келиб Еттишаҳарнинг турли шаҳарларида бино қурдирган.

Муҳаммад Ёқуббекнинг сирли ўлими ҳақидаги турли баҳсларга ойдинлик киритадиган асарлардан бири Илёс Охуннинг “Ёқуббек Бадавлатнинг сўнгги хотиралари” асари ҳисобланади. Бу асар ЎзР ФА ШИда № 417 ашё рақами остида сақланади. Муаллифнинг ўзи бевосита Муҳаммад Ёқуббекнинг ёнида юрган ходимларидан бири бўлганлиги учун ҳам асар муҳим аҳамият касб этади [9].

XX аср бошларида ёзилган хўтонлик Муҳаммад Иброҳим Фаноҳийнинг (1899–1961) “Шарқий Туркистон тарихи” асарида ҳам икки ўлканинг ўзаро алоқалари ёритилган [18]. У Хўтондаги Байтуллоҳ мадрасасида таълим олган. Кейинчалик, шу мадрасада мударрис сифатида фаолият олиб борган. Фаноҳийнинг ушбу асари уйғур тилида ёзилган бўлиб, Шарқий Туркистонда истиқомат қилган ўрта осиёликлар ҳақида маълумотлар берилган.

Қўқон хонлиги тарихига оид 40 га яқин қўлёзма асосан форс ва туркий тилларда ёзилган. Қўқон хонлиги тарихига оид бўлган манбалардан Абдулғофурнинг (XIX аср)“Зафарномаи Худоёрхоний” (“Худоёрхоннинг зафарлари баёни”) [4], Мулла Ниёз Муҳаммаднинг (1804–1877)“ “Ибрат ал-хавоқин” (“Хонларга ибрат”) [21], Мирзо Олим Мушрифнинг (XIX аср)“ “Ансоб ас-салотин ва таворих ал-ҳавоқин” (“Султонлар насаблари ва хонлар тарихи”) [15], Муҳаммад Солиҳ Тошкандийнинг (1830–1890) “Тарихи жадидайи Тошканд” (“Тошкентнинг янги тарихи”) [25], Муҳаммад Юнус Тоибнинг (1830–1905) “Тарихи Аликули амирлашкар” (“Аликули амирлашкар тарихи”) [3, 30], Аваз Муҳаммад Атторнинг (XIX аср) “Тарихи жаҳоннома” (“Жаҳонни кўрсатадиган тарих”) [5], Муҳаммад Азиз Марғилонийнинг (XIX асрнинг ўрталари–XX асрнинг бошлари) “Тарихи Азизий” (“Азизий тарихи”) [25], Исҳоқхон Ибратнинг (1862–1937) “Тарихи Фарғона” (“Фарғона тарихи”) [12], Мулла Олим Маҳдумнинг (XIX аср) “Тарихи Туркистон” (“Туркистон тарихи”) [24], Маҳмуд Ҳаким Яйфонийнинг (1850–1930) “Хуллас ат-таворих” (“Тарихлар сараси”) [13], Муҳаммад Фозилбекнинг (XIX асрнинг охири–XX аср бошлари) “Мукаммали тарихи Фарғона” (“Фарғонанинг мукаммал тарихи”) [29], Худоёрхонзоданинг (XIX асрнинг охири – XX аср бошлари) “Анжум ат-таворих” (“Тарих юлдузлари”) [36] ва Муҳаммад Умар Марғилонийнинг (1835–1905) “Бадавлатнома” [27], “Мактубчайи хон” (“Хон мактуби”) [28] ва “Тарихчаи Туроний” (“Турон тарихчаси”) [31: 420], Муҳйи Хўқандийнинг (1835–1911) “Тарихи Муҳйи Ҳўқандий” (“Муҳйи Ҳўқандий тарихи”) [24] каби асарларни келтириш мумкин.

Қўқон хонлиги тарихига оид манбаларда Муҳаммад Ёқуббек ва унинг Еттишаҳар давлати ҳақида кўплаб маълумотлар берилган. Ёқуббек номи Муҳаммад Юнус Тоибнинг “Тарихи Аликули амирлашкар”

[30: 215] ва Муҳйи Хўқандийнинг “Тарихи Муҳйи Ҳўқандий” асарида [24: 4 варақ], Исҳоқхон Ибратнинг “Тарихи Фарғона” [12: 301], Муҳаммад Азиз Марғилонийнинг “Тарихи Азизий” [25: 108 варақ], Абдулғофурнинг “Зафарномаи Худоёрхоний” асарларида [4: 56 варақ] Ёқуббек ёки Ёқуббек Бадавлат, Муҳаммад Умар Марғилоний асарларида эса Оталиқ [28: 34], Аваз Муҳаммад Атторнинг “Тарихи жаҳоннома” асарида пансод [5: 45], қушбеги [5: 67], Мирзо Олим Мушрифнинг “Ансоб ас-салотин ва таворих ал-ҳавоқин” асарида парвоначи [15: 63], Муҳаммад Солиҳ Тошкандийнинг “Тарихи жадидайи Тошканд” асарида эса Ёқуб бачча [26: 506а варақ], Бек шиғовул [26: 821а варақ] номлари билан зикр этилган.

Уларда Ёқуббек асос солган давлат, яъни Еттишаҳар ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд. Жумладан, Еттишаҳр, Еттишаҳар, Шаҳари Қашқар номлари билан “Ансоб ас-салотин ва таворих ал-ҳавоқин” [15: 61], “Бадавлатнома” [27: 17а], “Мукаммали Тарихи Фарғона” [29: 41а], “Тарихи Азизий” [25: 307], “Тарихи жаҳоннома” [5: 143] асарларида кўрсатилган. Шунингдек, Ёқуббек келмасидан аввал ҳам Шарқий Туркистон ҳудуди Еттишаҳар деб юритилгани “Тарихи Туркистон” айтилган [23: 75].

Мирзо Олим Мушрифнинг “Ансоб ас-салотин ва таворих ал-ҳавоқин” асарида Муҳаммад Ёқуббекнинг исми келтирилмаса-да, уни “парвоначи” номи остига яшириб ёзган [15: 60]. Бироқ, бу асарда “Етти шаҳри Қашқар” номи Қўқон хонлари Абдукаримбий ва Олимхон даври тарихига оид маълумотлар орасида учрайди. Бу географик ном Муҳаммад Ёқуббекнинг Еттишаҳар давлати билан боғлиқ эмас [15: 15].

Муҳаммад Азиз Марғилонийнинг туғилган ва вафот этган йиллари номаълум бўлиб, унинг асаридаги воқеалар 1912 йилдаги ҳодисаларни ҳам ўз ичига олган. “Тарихи Азизий” асари бешта бобдан иборат бўлиб, 1-боб мўғуллар истилосига, 2-боб Соҳибқирон Амир Темур тарихига, 3-боб ҳар бир касбнинг фазилатлари баёнига, 4 ва 5-боблар эса Қўқон хонлиги тарихига бағишланган. Асарнинг 3-боби, 108-фасли “хитойлар Ёқуббек Бадавлатнинг қабрини бузганлиги ҳақида” [25: 108а], 4-боб, 134-фаслнинг номи “Ёқуббекнинг Кошғарга бориб дохил бўлгани тўғрисида” [25: 151б], 135-фасли “Худоёрхоннинг яна ўз тахт муросасига ўтиргани, Худойқулибекнинг Ёқуббекни паноҳ тортиб кетгани

тўғрисида” [25: 152б], 136-фаслида “Ёқуббек Бадавлатнинг вафотидан сўнгра Бекқулибекнинг Фарғона музофотига қайтгани тўғрисида” каби масалалар ёзилган [25: 156а]. Бу асарда Ёқуббекнинг Еттишаҳар давлати номи аниқ қилиб берилган [25: 157б].

Муҳаммад Умар Марғилонийнинг (1835–1905) 1880 йилда ёзган “Бадавлатнома” асари жами 2700 мисрадан иборат достон бўлиб, унда 1822 йилда Умархоннинг вафотидан то 1875 йилгача бўлган Қўқон тарихи ва Муҳаммад Ёқуббекнинг ҳарбий юришлари ҳикоя қилинади. Муҳаммад Умар Марғилонийнинг “Мактубчаи хон” асари 1885 йилда ёзилган бўлиб, унда Худоёрхоннинг сўнгги йиллари ҳақидаги маълумотлар шеърий достон сифатида тақдим қилинган. Ушбу асарда ҳам Муҳаммад Ёқуббек ҳақида қуйидагича ёзилган:

Бор эрди анда Ёқуббек атолиқ,
Хитой бирла ўзи кўб мажаролиқ [27: 17б].

Муҳаммад Умар Марғилонийнинг яна бир асари “Тарихчаи Туроний” бўлиб, у Худоёрхон авлодларидан бўлган Шоҳруҳбек Умаров хонадонида сақланади. Ушбу асар профессор Шодмон Воҳидов томонидан нашр қилинган [31]. Унда Қўқон хонлигининг мухтасар тарихи, Муҳаммад Ёқуббек билан боғлиқ маълумотлар келтирилган: “*Бу жойда Яқуббек таржимаи ҳолидан ёзиб ўтмоқ муносиб кўрулди. Бу Яқуб бачча Тошкандни Пискат ном қасаба қишлоғидан бир қассобзода дерлар, хўшрўй ўюнчи, ашулачи жўрабаччаси экан. Муҳаммадалихон ани ишва-карашма, нози дилфиребини таърифини эшитиб Пискатдан йўқлаб олдириб келиб, ўзига пеш хизмат маҳрам этди. Бу васила бирла бахтлик бўлиб, юзбошиликдан ўтиб, понсодлик мақомин олди, саркарда ҳокимликға етуб, Яъқуббек ном кўтарди. Истилоҳати Туркистон, ҳар ким ҳокими шаҳар бўлса, фалон шаҳарга бек бўлди, деб беклик ўзига дарбар қилур. Охир умрида вилояти Қошғарға ҳукмрон бўлиб, “Бадавлат” ном олди*” [31: 63].

Комилхон эшон қаламига мансуб “Рисолайи Ёқубий” (“Муҳаммад Ёқуббек рисоласи”) асарининг рус тилидаги матнида Кучкек деб берилган қишлоқ аслида маҳаллий аҳоли томонидан Кучкак деб аталган [32]. Бу қишлоқ ҳозирги Тожикистон Республикасидаги Конибодомга яқин қишлоқ бўлиши мумкин. Унинг асосий аҳолиси ўзбеклар ҳисобланади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қашқадарё вилоятида ҳам Кучкак деган қишлоқ бор.

Татар олими Қурбон Али Аягузийнинг (1843–1913) “Таворихи ҳамсаи шарқий” (“Шарқнинг беш солномаси”) асарида эса Муҳаммад Ёқуббек ҳақида қуйидаги маълумотлар берилган: “Унинг ҳақиқий исми Ёқуб, кейинчалик уни Ёқуббек ва Ёқуб оталиқ деб чақиришган. У Тошкент жануби, Хўжанд томондаги Пскент қозисини ўғли. Айтишларича, унинг бобоси Балхдан келган ўзбекларнинг қирқ уруғига мансуб, онаси эса хўжандлик” [10: 109].

Бухоро амирлиги тарихига оид бўлган Мирза Салимбекнинг (1850–1930) “Тарихи Салимий” (“Салимий тарихи”) [16], Мирзо Шамс Бухорийнинг Бухоро, Қўқон ва Қашқар тўғрисидаги эсдаликлари [8]. Мирзо Абдуазим Сомийнинг (1839–1908) “Тарихи салотини манғитийа” (“Манғит султонлари тарихи”) [14] ва бошқа асарларда Муҳаммад Ёқуббекнинг Бухоро амирлиги билан боғлиқ тақдири, амирликнинг Еттишаҳар давлати билан ўзаро алоқалари ҳамда Бухоро шаҳзодаси Абдулмалик тўранинг (1848–1909) Қашқарга бориши билан боғлиқ маълумотлар баён этилган.

Хулоса қилиб айтганда, Қўқон хонлиги саркардаси, пскентлик давлат амалдори Муҳаммад Ёқуббек асос солган Еттишаҳар давлати тарихини ўрганишда туркий ва форсий тилларда ёзилган қўлёзма асарлардаги маълумотлар муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Бу маълумотлар асосида Еттишаҳар давлатининг ташкил этилиши, сиёсий жараёнлари, маъмурий бошқарув тизими, иқтисодий-маданий ҳаётига оид масалаларни ёритишда қўл келади. Улардаги ҳали очиб берилмаган маълумотлар бу давлат тарихига оид долзарб масалаларни кейинги тадқиқотларда ёритишга йўл очади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдулғофурбий Исматий. Зафарномаи Худоёрхон. Россия Федерацияси Фанлар академияси Шарқшунослик институти. Шарқ қўлёзмалари маркази. № С-667.
2. Авазмуҳаммад Аттор Хўқандий. Тарихи жаҳоннамоий / Форс-тожик тилидан таржимон, кириш ва изоҳлар муаллифи Ш.Воҳидов. – Тошкент, 2012.
3. Аҳмад Мўмин Торими. Уйғур тарихшунослик тарихидан баён. Урумчи, 2013.

4. Гаврилов М.Ф. Страничка из истории Якуб-бека Бадавлата – правителя Кашгарии // В.В. Бартольд. Туркестанские друзья, ученики и почитатели. – Ташкент, 1927. – С. 125–132.
5. Записки Мирзы Шамса Бухари. О некоторых событиях в Бухаре, Хоканде и Кашгаре. – Казань, 1861.
6. Илёс Охунд. Ёқуббек Бадавлатнинг сўнгги хотиралари. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 417.
7. Имом қори Қурбон Али (Чугучакий) валид Хўжа Холидбек Аягузий. Таварих хамса-и Шарки / Издана на основе рукописи, написанной в Чугучаке. – Казань, 1910.
8. Исиев Д. Уйгурское государство Йеттишар (1864–1877). – Москва, 1981.
9. Исҳоқхон Тўра Ибрат. Тарихи Фарғона / Нашрга тайёловчилар Ҳ. Бобобеков, Маҳмуд Ҳасаний, Мерос туркуми. – Тошкент, 1991. – Б. 268–327.
10. Маҳмуд Ҳаким Яйфоний. Хуллас ут-таворих. – ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, инв № 304.
11. Мирза Абдалазим Сами. «Тарихи салатин-и мангитийа» дар ас-салтана-и. Бухараи шариф / Перевод Л.М. Епифановой. – Москва,1962.
12. Мирза Салимбек. Тарихи Салими (источник по истории Бухарского эмирата) / Перевод с персидского, вводная статья и примечания Н.К. Норкулова, редактор перевода А.К. Арендс, предисловие, редактор введения и примечаний А.С.Сагдуллаев. – Ташкент, 2009.
13. Мирзо Олим Муширф. Ансоб ус-салотин ва таворих ул-ҳавоқин / Нашрга тайёрловчилар А. Матғозиев, М.Усмонова. – Тошкент, 1995.
14. Мулла Билол бинни мулла Юсуф Нозимий. Ғазот дар мулки Чин. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 9007.
15. Мулла Иброҳим Фаноҳий. Шарқий Туркистон тарихи. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 12663.
16. Мулла Муса бен мулла Айса Сайрами. Тарихи Эминие (История, посвященная Эмину). Казань, 1905.
17. Мулла Мусо Сайрамий. Тарихи Хамидий / Нашрга тайёрловчи Анвар Бойтўра. – Урумчи, 1986.

18. Мулла Ниёз Муҳаммад. Тарихи Шоҳрухий. – ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 4463.
19. Мулла Шокир. Зафарнома. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 12172.
20. Мулло Олим Махдум Ҳожи. Тарихи Туркистон / Нашрга тайёрловчилар Т. Алимардонов, Н. Абдул Ҳаким. – Қарши, 1992.
21. Муҳай Ҳўқандий. Тарихи Муҳай Ҳуқандий. – ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 76.
22. Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий. – ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 11108.
23. Муҳаммад Солиҳ Тошкандий. Тарихи жадидайи Тошканд. – ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, инв № 7791.
24. Муҳаммад Умар қори Умидий Марғилоний. Бадавлатнома. РФ ФА Шарқ қўлёзмалари институти Санкт-Петербург бўлими қўлёзмаси, С. 587.
25. Муҳаммад Умар Марғилоний. Мактубчаи хон / Нашрга тайёрлаган табдилчи: О.Ҳ. Жалилов. – Тошкент, 2007.
26. Муҳаммад Фозилбек. Мукаммали Тарихи Фарғона. – ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, инв № 5971.
27. Муҳаммад Юнус Тойиб. Тарихи Алиқули амирлашкар // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1996. – № 1. – Б. 214–223;
28. Муҳаммад Юнус Тойиб. Тарихи Алиқули амирлашкар // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1996. – № 2. – Б. 208–223;
29. Муҳаммадумар Умидий. Тарихчайи Туроний / Табдил, таржимон, кириш ва изоҳлар муаллифи Ш.Воҳидов. – Тошкент, 2013.
30. Текст воспроизведен по изданию: Ресалэ-и-Якуби (Воспоминания о Якуб-беке кашгарском Камиль-хана-ишана) // Историк-марксист, № 3 (79). 1940.
31. Тихонов Д. Некоторые вопросы внутренней политики Якуббека // Учёные записки Института востоковедения. Т. XVI. – Москва-Ленинград, 1958. – С. 109–138.
32. Хидоятов Г. А. Из истории англо-русских отношений в Средней Азии. – Ташкент, 1969.
33. Ходжаев А. О политике Якуб-бека в отношении цинского правительства в 1871–1877 гг. // «Пятая научная конференция Общество и государство в Китае». В 3 – выпусках. Вып. 2. – Москва, 1974. – С. 246–253.

34. Худоёрхонзода. Анжум ат-таворих (Тарих юлдузлари) / Форс-тожик тилидан ўзбек тилига таржимон ва изоҳлар муаллифи Ш.Воҳидов. – Тошкент, 2014.
35. Чэн Суло. Ёқуббекнинг тарихий баҳоси. 1865–1877 йилларда Шинжондаги уйғур ва бошқа халқларнинг умумий душмани (阿古柏的历史评价。1865–1877年新疆维吾尔族与各族人民的公敌) – Пекин, 1962 (хитой тилида).
36. Шахиди Б. Якуббек ҳакимияти тогрилик. – Пекин, 1958 (уйғур тилида).
37. Doğan Serhat. Yakub Bey ve Kaşgar Hanlığı – Doğu Türkistan'da Son Osmanlı Hanı. Istanbul, 2020.
38. Kim Ho-dong. Holy war in China. The Muslim Rebellion and State in Chinese Central Asia, 1864–1877. – Stanford, 2004.
39. The Life of Alimqul. A Native Chronicle of Nineteenth Century Central Asia, Edited and translated by Timur Beisembiev. – London, 2003.

Ж. Абдулхамидов

Еттишаҳар давлати тарихига оид манбалар ва уларнинг тавсифи

Ушбу мақолада, Еттишаҳар давлати (1865–1878) тарихига оид форс ва туркий тилларда ёзилган қўлёзма асарларнинг таҳлили ва тавсифи берилган. Унда Шарқий Туркистон тарихига оид 6 та, Қўқон хонлиги тарихига оид 15 та ҳамда Бухоро амирлиги тарихига оид 3 та қўлёзма асарда Муҳаммад Ёқуббек ва унинг Еттишаҳар давлати тарихига оид маълумотлар тадқиқ қилинган. Айниқса, ушбу манбалардаги маълумотларнинг Еттишаҳар давлатининг Туркистон хонликлари билан сиёсий алоқалари тарихини ёритишда бу манбалардаги маълумотлар муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланган. Шунингдек, бу маълумотлардан кейинги тадқиқотларда Еттишаҳар давлатининг ташкил топиши, сиёсий жараёнлари, маъмурий бошқарув тизими, иқтисодий-маданий ҳаёти ҳамда унинг тарихига оид ҳали очиб берилмаган долзарб масалаларни ёритишда фойдаланиш мумкин..

Калит сўзлар: *Муҳаммад Ёқуббек, Қўқон хонлиги, Еттишаҳар давлати, Бухоро амирлиги, манбалар, тарих, таҳлил, хулоса.*

Дж. Абдулхамидов

Источники истории государства Еттишахар и их описание

В данной статье представлен анализ и описание рукописей на персидском и тюркском языках, посвященных истории государства Еттишахар (Семи городов) (1865–1878). Рассматривается информация о Мухаммеде Якуббеке и его государстве Семи Городов, содержащаяся в 6 рукописях по истории Восточного Туркестана, 15 – по истории Кокандского ханства и 3 – по истории Бухарского эмирата. В частности, подчеркивается, что информация в этих источниках имеет большое значение для понимания истории политических отношений государства Семи Городов с туркестанскими ханствами. Кроме того, эти сведения могут быть использованы в дальнейших исследованиях по вопросам создания государства Еттишахар, политических процессов, системы административного управления, экономической и культурной жизни, а также важных для истории этого государства вопросов, которые еще не были изучены.

Ключевые слова: *Мухаммад Якуббек, Кокандское ханство, Семигородское государство, Бухарский эмират, источники, история, анализ, заключение.*

J. Abdulhamidov

Sources of the history of Djety-shahr state and their description

This article provides an analysis and description of manuscripts written in Persian and Turkic on the history of the Djety-shahr (Seven Cities State) (1865–1878). It examines information about Muhammad Yakubbek and his Djety-shahr State in 6 manuscripts on the history of East Turkestan, 15 on the history of the Kokand Khanate, and 3 on the history of the Bukhara Emirate. In particular, it is emphasized that the information in these sources is of great importance in shedding light on the history of Djety-shahr's political relations with the Turkestan khanates. These findings can also inform further research on the establishment of Djety-shahr, its political processes, administrative system, economic and cultural life, and previously unexplored issues in the history of this state.

Keywords: *Muhammad Yakubbek, Kokand Khanate, Djety-shahr, Bukhara Emirate, sources, history, analysis, conclusion.*

Н. Насириллаева

Абдулла Носировнинг “Манбалар қомуси” – ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар хазинасини ўрганишда муҳим манба

Шарқ кутубхоналари дунёга нафақат ўзининг бой илмий ва маданий мероси билан, балким уларни сақлаш, илмий ва библиографик асарлар тузиш анъаналари билан ҳам машҳур. Ушбу кутубхоналарда тузилган каталоглар китобларни тартибга солиш воситаси бўлибгина қолмай, ўз даври ёзма манбаларини тизимлаштириш ва қўлёзма манбалардан фойдаланишни қулайлаштиришнинг муҳим воситаси сифатида хизмат қилган.

Маълумки, каталог – муайян муассаса кутубхонаси фондларида мавжуд асарлар рўйхати бўлиб, у манбалар ҳақида бирламчи маълумотларни тақдим этади ва тадқиқотчиларга зарур манбани танлашда ёрдам беради [24: 105]. Мусулмон мамлакатларида ўрта асрларда каталоглар одатда *феҳрист* деб юритилиб, улар ўзида сарой кутубхоналарида мавжуд асарлар, вақф қилинган китоблар учун тузилган рўйхатларни қамраб олган. Бундай феҳристлар қачонлардир мавжуд бўлган ва ҳозирги кунда йўқолган кутубхоналар ҳақида тасаввурга эга бўлишимизга ёрдам беради. Мисол учун, Абу Али ибн Сино (980–1037) Сомонийлар ҳукмдори амир Нуҳ ибн Мансурни (976–997) даволаганлиги учун унинг Бухородаги кутубхонасидан фойдаланганлиги кўплаб манбаларда келтирилади [6: 48]. Гарчи мазкур кутубхона бугунги кунгача сақланиб қолмаган бўлса-да, Ибн Синонинг ўз таржимаи ҳолида айтилишича, у ушбу кутубхонадаги феҳрист (асарлар рўйхати) билан танишиб чиққан.

Шарқ кутубхоналари тарихи ва уларнинг илмий аҳамияти бўйича кенг кўламли тадқиқотлар амалга оширилган [2; 5; 9]. Биз ушбу мақолада Шарқшунослик институтида сақланаётган қўлёзмалар феҳристларини шакллантириш ва манбаларни тизимлаштириш жараёнига улкан ҳисса қўшган Абдулла Носиров (1889–1987) томонидан тузилган “Манбалар қомуси” мажмуасини таҳлил қиламиз.